

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
бу юк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 31 май, № 105 (4258)

Пайшанба

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига бағишлаб Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлисдаги маърузасида таъкидланганидек, “бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чораларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий сармояларни жалб қилишга ижобий таъсир кўрсатди”.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларининг жалб этилиши хорижий шериклар билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, янги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш, маҳсулотларимизнинг юксак сифатини таъминлаш ҳамда жаҳон бозорига иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини бераётганлигини ҳам айтиб ўтди. Айни ана шулардан кейиб, хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ишларини ҳар томонлама кучайтириш вазифаси иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг келгуси даврга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида илгари сурилди.

Инвестицияларнинг хориждан келиши оқимини рағбатлантириш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 2007 йил 30 май куни “Инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш масалалари” мавзусида конференция бўлиб ўтди. Таъдбир Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ташкил этилди.

Узаро фикр алмушува ва муҳокама асосида шу нарса таъкидландики, иқтисодий ислохотлар изчиллик билан ўтказиб келинаётганлиги, яратилган қўлай имтиёз ва преференциялар тизими тўғрисида мамлакатимизда 2006 йил ҳолатига кўра 20 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдорда хорижий инвестиция жалб этилган, тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар эса 2000–2006 йиллар мобайнидагина 9,3 баравар кўпайган ва эндиликда 2,5 миллиард долларни ташкил этмоқда. Хорижий инвестициялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

ликс иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар ўтказиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш, экспорт ҳажмини оширишга имкон яратаётганлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Тўғридан-тўғри инвестициялар оқими кенгайиб ва ортиб бораётганлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган қўламли демократик ва бозор ислохотларининг тўғрилиги ҳамда самардорлиги чет эллик шериклар томонидан яна бир эътироф этилганлигининг ўзига хос далолатидир.

Иштирокчилар мамлакат иқтисодиётига хориждан сармояларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни янада кенгрок жалб этиш билан боғлиқ ишларни кучайтириш зарур эканлигини айтиб ўтдилар. Муҳокама яқунлари асосида чет эл инвестицияларини жалб этиш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини янада ривожлантиришга қаратилган тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Конференция ишида сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, олимлар ва мутахассислар, бир қанча вазирлик ва идораларнинг, дипломатик корпуснинг, халқаро молия институтларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.



ЧАРОҒОН ЎЛКА

Ҳаётимизнинг бир дақиқасини ҳам электр қувватисиз тасаввур этолмаймиз. Лекин ана шу энергия қандай сермеҳнат фаолият тўғрисида ҳосил қилиниши ҳақида ҳамisha ҳам ўйлаб ўтирмаймиз. Халқ ҳўжалигининг барча соҳаларига, шаҳар ва қишлоқларга электр энергияси етказиб бераётган замондошларимизнинг фидойилиги мақтовга сазовордир.

Файзли оқшомлардан бирида хорижий меҳмон билан тунги

Тошкентни айландик. Унинг кўркем жамоли, ранго-ранг чироқларга кўмилган кўчаларга маҳлиё бўлиб у: “Бундай чароғонлик маълум даражада давлатнинг куч-қудратини белгилайди. Пойтахтинингизнинг кечалари кундуздай ёруғлигига тараф йўқ”, — деди меҳмоним.

Дарҳақиқат, нафақат азим Тошкент, балки ўлкаимизнинг қай бир гўшасига борманг, ободончилик, бунёдкорликка юз тугганига шўҳид

бўласиз. Кўча-ҳўбонларни ёритиб турган неон чироқлари беихтиёр завқингизни оширади.

— Шарқий магистраль электр тармоқлари корхонаси Андихон, Фарғона ва Наманган вилоятларига электр қувватини узлуксиз етказиб бериш борасида жонбозлик кўрсатмоқда. Бундан ташқари, корхона қўшни давлатларга ҳам хизмат кўрсатади.

Яқинда жамоа янгидан қуриб бит-

казилган Марказий диспетчерлик биносига кўчиб ўтди. Ишлаб чиқариш участкалари, лаборатория ва бошқа хизмат тизимларини ўзида мужассам этган мазкур иншоот электр таъминотида узиллишлар бўлмағлиги борасида муҳим аҳамият касб этади.

СУРАТДА: ишчи Шерзод Комилов.

М.ҚОДИРОВ (Ў.А.) олган сурат.

КўНГЛИ ОЧИҚНИНГ — ЙЎЛИ ОЧИҚ

Ўзгаларга саховатли бўлиш, бева-бечоралар ва етим-есирлар бошини силаш, муҳтожларга беминнат-бегараз кўмаклашиш халқимизнинг азалий қадриятларидандир. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, инсоният боғининг энг гўзал дарахти ҳам, одамийлик ҳазинасининг энг бебаҳо гавҳари ҳам хайр-эҳсондир. Чўки бундай олий фазилатлар одамлар ўртасидаги дўстлик-биродарлик ва меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлайди. Айни чоғда, жамиятдаги тинчлик-осойишталик ва ижтимоий барқарорликни таъминлайди.

Мамлакатимизда ўзидан ортганини бошқалар ила баҳам кўрадиган, кўнгли кемтиклардан ёрдими аямайдиган инсонлар тобора кўпаймоқда. Айтилик, Ҳомийлар ва шифокорлар йилда 2000 нафар ёлғиз қариёнинг ва 66000 та кам таъминланган оиланинг уй-жойи бепул таъмирлаб берилди. Шундай хондонларга мансуб 725 минг нафар бошланғич синф ўқувчиси 16 миллиард сўмлик кийим-бош билан таъминланди. Мактабга

илк бор қадам кўйган 521 минг кичкинтойга эса, сўнгги йилларда қарор толган аънамага

Қадрият

кўра, 15 миллиард сўмлик дарслик ва ўқув қуроллари совға қилинди. Қаровчиси йўқ 23 минг нафар қария ва ногиронга беминнат хизмат кўрсатилди. Президентимиз бултур

кўқламда “Шахсий ёрдэмчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва малларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорга имзо чеккан, инсонларварлиқнинг ўзига хос янгича тури шаклланди. Давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда ҳомийлар кўмағида қишлоқларда яшовчи кам таъминланган, норасида фарзандлари кўп оилаларга 10 миллиард сўмликдан зиёд маблағга қорамол олиб берилди. Бу, биринчидан, ўша хондонлар дастурхонини гўшт-сут маҳсулотлари билан бойитиш имконини яратди, иккинчидан, қатор оилалар азозларининг меҳнат қилиб, кўшимча даромад топишлари учун қўлай шароит тугдирди. Яна бир муҳим

(Давоми 3-бетда).

ДИЛЛАРНИ РОМ ЭТГАН САНЪАТ

Бугун ўзбек миллий санъати ва маданияти жаҳон халқлари эътирофига сазовор бўлаётганлиги сир эмас. Миллий қадриятларимиз, аъналаримиз ҳамда ўзбек маданиятини жаҳоннинг турли мамлакатларида тарғиб қилаётган “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси Россия пойтахти Москвада “Ўзбекистон санъати кечаси” маданий таъдбирини ўтказди.

Москвадаги «Форум холл» тантаналар саройида ўтган таъдбир ўзбек миллий куй садолари билан очилди. Дастурнинг аънавий, мумтоз ва замонавий санъат уйғунлиги асосида тайёрланган меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Таъдбир дастурида Фаррух Зокиров бошчилигидаги

“Ялла” ансамбли ҳамда ўзбек эстрадасининг танқиди хонандалари Рашид Холиқов, Самандар, Райхон, Сардор Раҳимхон томонидан дилрабо тароналар ижро этилди. Шунингдек, кенга мамакатимиз иқтидорли ёшлари — жамғарманинг дипломантлари ва грантлари соҳиблари алоҳида

Ифтихор

файз киритишди. Ўзбекистонлик ёш мусиқачилар россиялик танқиди дирижёр Владимир Спиваков раҳбарлигида мусиқий асарлар ижро этишди. Ўзбекистон Усмилрлар сим-

фоник оркестри, ёш макомчилар Севдийёр Давлатов ва Шаҳзод Жўраев, доирча ақука Ҳакимовлар, «Кичик малика» номини олган олти ёшли Ҳадича Имомназарова, “Оловуддин” болалар гуруҳи ва “Гранд мастер” брэйк-данс жамоаси томонидан кўрсатилган бадиий қишлар олқишларга сазовор бўлди. Россиялик меҳмонлар орасида Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Дмитрий Медведев, Хавфсизлик кенгаши ко-



тиби Игорь Иванов, Россия Федерацияси Президенти ёрдэмчилари Игорь Шувалов ва Жаҳон Поллиева, танқиди Саватшўнос ва дипломатлар, Давлат Думаси депутатлари, ишбилармон доиралар вакиллари, маданият ва спорт намоёндалари, журналистлар бор эди.

(Давоми 2-бетда).

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Тошкент ахборот технологиялари университети-нинг Фарғона филиали вилоятдаги олий ўқув юрталарининг кенжаси ҳисобланади. “Универсиада-2007” мусобақаларида спортнинг кўл тўпи тури бўйича вилоят шарафини шу бўлими юрти талаба-спортчилари ҳимоя қилишади.

СПОРТДА ҲАМ АЪЛОЧИЛАР

Ҳозирда улар Расулжон Ҳамроқулов раҳбарлигида ўқув-йўлнинг машғулотларини олиб боришаёпти. Университет соғломлаштириш марказида жамоа учун алоҳида жой ажратилди. Тошкент, Андихон шаҳарларида кўл тўпи бўйича уюштирилган турнирларда фарғоналик спортчилар совринли ўринларни кўлга киритишди. Бу мусобақаларда ўзини кўрсатган Уғлиой Нордиҳонов, Суларно Нерҳматова, Нозима Жўраевалар “Универсиада” да ҳам бор маҳоратларини ишга солишга жазм қилишган. “Универсиада” дастуридаги бошқа спорт турлари бўйича ҳам тайёргарлик ишлари кизгин давом этаёпти. Белбоғли кураш бўйича мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси, эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати бронза медали соҳиб Акром Жумабоев, енгил атлетика бўйича бир неча бор Ўзбекистон чемпиони, спорт устаси Зиёда Абдуллаева сингари номдор спортчилардан айниқса, умид катта.

Набижон СОБИР, “Халқ сўзи” муҳбири.

Жорий йилнинг биринчи чорағида мамлакатимизда аҳолининг реал даромади 21,3 фоизга ошди.



Корхона маҳсулоти — хорижга

Ҳазорасп туманидаги “Hazorasp textil” масъулияти чекланган жамияти жамоаси 2,5 ой ичида хорижга 300,2 минг АҚШ долларлик 208 тонна ип калава экспорт қилди. Йил охиригача яна 800 тонна-

дан зиёд ярим тайёр маҳсулот Россиянинг “Бортекс”, “Капиталэнерго” ва “Техносис” сингари тўқимачилик корхоналарига жўнатилди.

«Боинг 787-8 Dreamliner» — ЗАМОНАВИЙ САМОЛЁТ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Юртбошимиз раҳнамолигида, бошқа соҳаларда бўлгани каби, фуқаро авиацияси соҳасида ҳам кўлаб ислохотлар амалга оширилди. Юртимиздаги ва дунёдаги йирик самолётсозлик корхоналари, авиакомпаниялар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу борада «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан «Боинг» авиация-космик корпорацияси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бу йил Ўзбекистон байроғи тасвири туширилган биринчи «Боинг 787» самолёти Тошкент аэропортига кўнганга ўн йил бўлди. Шу кичка муддатда ўнта «Боинг-787-300ER» ва Боинг-787-200» самолётлари сотиб олинди. Бу эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпания-

сининг дунё авиаташиш бозорига ўз ўрнига эга бўлишини таъминлади. Ҳозирги кунда мамлакатимиз пойтахти Тошкентдан ер юзининг кўлаб шаҳарлари — Нью-Йорк, Лондон, Франкфурт, Токио, Москва, Санкт-Петербургга шу ишончли ва қўлай ҳаво ланерлари

қатнамоқда. Ўтган йили миллий авиакомпаниямиз томонидан 1 миллион 700 минг нафар йўловчи ўз манзилига эсон-омон етказиб қўйилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» нафақат Марказий Осиёдаги, балки МДҲдаги энг йирик миллий авиакомпаниялардан бири ҳисобланади. У бир неча марта халқаро авиация ташкилотлари томонидан энг хавфсиз ва ишончли авиакомпания деб топилган. Бунинг бир неча сабаблари бор. Аввало, компания тизимидаги барча

(Давоми 2-бетда).

Фотокўргазмада талабалар ҳаёти

Пойтахтимиздаги Тошкент Фотосуратлар уйида «Объективда — талабалар ҳаёти» мавзусида уч кунлик фотокўргазма очилди.

Таъдбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси қошидаги «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилди. Ушбу таъдбирни ўтказишдан мақсад фото санъатида ўз йўналиши ва услубини топишга интилаётган ёшларнинг ижодий маҳоратини оширишга қўмаклашишдир. Бундай фотокўргазма бир вақтинг ўзида мамлакатимиздан ташқари Россия, Польша ва Германияда ҳам ўтказилаётганлиги диққатга сазовордир. Кўргазмада жами 45 та ижодий иш намойиш этилди. Улардан 12 таси ҳакамлар ҳайъати то-

монидан ижобий баҳоланиб, муаллифлар қимматбахо совғалар билан тақдирланди. Танловда ғолибликни Ўзбекистон Миллий университети талабаси Жамшид Миралимов, Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси Хусниддин Атоев, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети талабаси Динара Сейтназарова, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабалари Ольга Акимова, Александр Лёвин, Оксана Турсунова, фотохаваскорлардан Хурлиман Айтиёнова, Артур Ҳакимов, Комила Ким, Темуэр Барабановлар кўлга киритди.

О. ФАЙЗИЕВ.

Бўжа туманида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан “Фарзандим — дилбандим” деб номланган байрам таъдбири бўлиб ўтди.

«Фарзандим — дилбандим»

Унда 300 нафар ногирон болалар ва кам таъминланган оилалар фарзандлари қатнашди. Сўзга чиққанлар келажагимиз ворислари бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири эканини таъкиддилар. Ёш авлодини соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, истеъдод эгаларини излаб топиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этаётганлиги алоҳида қайд этилди. Болажонларга хомийларнинг эсдалик совғалари топширилди. Д. СУВОНОВ, Ў.А. муҳбири.

Хабарлар оқимидан

Келажакка пойдевор

Юртимизда ёшларнинг билим олишлари, хунар ўрганишлари учун барча шароит муҳайё этилган. Хар йили юзлаб лицей ва коллежлар очилмоқда.

Энг қувонарлиси, бу ўқув юртлири учун янги ва муҳташам биналар қуриляпти. Бу йил Сурхондарё вилоятида 14 та касб-хунар коллежи биналари қуриш ва битта билим масканини реконструкция қилиш режалаштирилган. Бу ишлар учун давлат бюджетидан 25,6 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Айни кунларда Қумўғрон туманида иккита янги касб-хунар коллежи қад ростлапти. Жумладан, Шароф Мирзаев номи фермерлар уюшмаси ҳудудидаги коллеж иншооти «Иркурилиш» маъсулияти чекланган жамияти бинакорлари тикламоқдалар. Лойиҳага кўра, бу ерда 720 ўринли ўқув биноси ҳамда эллик талабага мўлжалланган ётоқхона, шунингдек, устакхона, оқик ва ёпик спорт мажмуалари барпо этилади.

Коллежини янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.


Абдурауф ҚОДИРОВ.

«Айқулаш жулдузлари»

Қорақалпоқ миллий фольклор дастаси — «Айқулаш жулдузлари»нинг Оролбўйи туманлари бўйлаб ижодий сафари бошланди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн олти йиллиги олдидан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артистлари П. Мадрейнов, Б. Муродов, Г. Сиримбетова ва бошқа бир гуруҳ санъаткорлар Мўйноқ туманининг меҳнат жамоалари, ўқув юрларида хайрия концертлари намойиш этмоқдалар.

М. ТОЖИЕВА.



31 май — Чекишга қарши кураш куни

Орамизда шундай ота-оналар борки, фарзандларини савдо дўконларидан сиргари харид қилишга юборадилар. Билишмайдики, ҳар нарсага қизиқувчан бола айнан шу сабаб кашандалик сари қадам қўйиши ҳам мумкин...

Эркаларнинг чекишини қўяверинг, аёл киши чекса-чи? Ачинарлиси, бу ҳолда икки кишининг ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолади.

РОҲАТ ДЕБ, ОҒУНИ ТАНЛАМАНГ!

Сўнги йилларга келиб, фан оламида хомилдорлик, туғуруқ, болалар касалликлар билан оналарнинг чекиши ўртасида бевосита боғлиқлик борлигини исботловчи клиник ва экспериментал тадқиқотларга асосланган фикрлар ўз исботини топди. Эдэнбург университети ходимлари олиб борган тадқиқотлардан маълум бўлишича, кашандалик хотира сусайиши, юрак қон-томир ва ўпка касалликларининг авж олишига сабаб бўларкан. Чиндан ҳам, тамаки инсон саломатлигини издан чиқарувчи оғдур. Чекилаётган сиргари тунуни таркибидан нитроглицерин, цистон, водород сульфид, ахромин, ацетал алдегид, изопрен, аммоний водород, циан, карбонат ангридид ва ис гази (СО) каби зарарли кимёвий моддалар бор.

Чекиш туфайли юқори на-

фас йўллари шикастланади. Бунинг оқибатида ҳавони тозалаб берувчи нафас йўллари киприкчалари ўз вазифасини бажариш жараёнида сустлашади. Чекадиган инсонларда юқори нафас йўллари ўткир яллиғланиши кўпроқ учрайдиган ва касаллик ҳолатида, ўзидан оғир асоратлар қолдиради. Чекадиган одамларга нисбатан кашандалар ўртасида ўлим кўрсаткичи 9-10 баробар юқори. Ёш чекичиларда ўпка тўқимаси ўзгариб, шиллик парда юпқалашади. Ёши улуг одамларда эса, бундан ташқари, ўпка ҳужай-

рларининг ўзгариб, ўз вазифасини бажара олмайди-ган бўлиб қолиши кузатилади. Натижада ўпканинг микробларга қарши курашиш қобилияти сустлашиб, юқумли касалликларга мойиллиги ортади. Шуниси ҳам борки, кашандалик табъи тизимга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Кашандалар орасида тамаки чекиш меҳнат қобилиятини оширади, деган гаплар қўлоққа чалинади. Бирок аксинча, чекиш натижа-сида асаб ҳужайралари фаолияти қисқа вақтга қўзғалади. Ва бу ҳолат тезда

нинг боши оғрийдиган, жаҳлдор бўлиб қолади, тез чарчайди ва иш қобилияти пасаяди, қўлларидан қалтираш аломатлари пайдо бўлади. Никотин таъсирида бош мия томирлари сикилади, мия етарли даражада қислород билан таъминланмайди.

Ҳозирги кунга келиб, дунё бўйича юрак қон-томир тизими касалликлар билан шикоят қилган беморларнинг 74 фоиздан ортигини чекувчилар ташкил этади. Қолаверса, тамаки фақатгина соғлиққа таъсир қилибгина қолмай, моддий зиён ҳам еткази-ди. Уни харид қилиш

варишга муҳтож пенсионер ва ногиронлар қорига ярашга интилиши. Жорий йилнинг биринчи чорағида уларга 120 миллион сўмлик хомийлик ёрдами кўрсатишди. 2700 киши номига банкларда омонат дафтара-лар очиб, 88 миллион сўм сармоғи қўйишди. 8700 дан зиёд оилага 472 миллион сўм нақд пул, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар, ногиронлар қў-

лиги ҳам зое кетмади. Келишувга бинасан эски саломатлик шохобчасини таъмирлаш учун ўртада 36 миллион сўм тўпланди. Гулганлик ўнга яқин фермер эса саховатпешалиқда ало-ҳида намуна кўрсатишди. «Бирлашган» қишлоғи аҳлига замонага мос тиббий маънас қўриб беришди. Эндиликда уни 25 миллион сўмлик зарур асбо-бухоналар билан жиҳозлаш тарадду-дини қўйишяпти...

Сиз деновлик Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаевнинг таърифини кўп эшитгансиз. 360 гектар ерга эга бу фермер пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантириш асноси қишлоққа саноатни олиб кириб, мингдан ортиқ кишини иш билан таъминлаганидан, поликлиника, мактаб, стадион ва бошқа иншоотлар қурганидан яхши хабардор-сиз. Ўтган ҳафта у булардан-да хайратомуз бир ишга қўл урди. Президентиимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан руҳланиб, ўзи яқиндагина тикланган қўш қаватли иккита бинадоғи ҳар қайси икки-уч хонадан иборат йигирмата хонадон калитини ёш оилаларга топширишди.

Шу ўринда ҳақиқат савол туғилиши, кимдир «Халқимизда «Ун қўлинг берганини чап қўлинг билмасин» деган нақл бор. Модомики, шундай экан, бировларга мурувват кўрсатаётганларни мақташ шартми?» дейиши мумкин. Бизнингча, бу фикр ноўрин. Негаки, яхшининг шарофати ҳар жойда тегади. Уни ҳар қанча алқасангиз, арзийди. Бу бошқаларни ҳам эзгуликка ундайди. Мамлакатимиздаги эзгу ишлар қўлини кенгайтиришга туртки бўлади. Ўзбекистон Республикасининг «Хомийлик тўғрисида»ги Қонуни бунга ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

жиҳати, уйда қорамол боқаётган шахслар, ўзлари етиштирган чорвачилик маҳсулотларидан қандай фойдаланишларидан қатъи назар, иш билан банд аҳоли тоифасига киритилди-лар. Бинобарин, меҳнат дафтарча-си очил ва ҳексайган чоғларида пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Хайр-саховат ишларининг кенг қўлоқ ёйишида хусусий тадбиркорлар, фермерлар ва оидий фуқароларнинг ҳам ҳиссалари катта бўлди. Улар фақат яқин-ёқинлар ва муҳтожларга мадақдор бўлиш билангина қифояланмай, аҳоли мушкулини осон, оғирини энгил, узогини яқин қилиш пайида ҳам бўлдилар. Масалан, ҳаёт аччиқ-чуқтинги обдон бошидан кечирган Риживой Орипов, Суярқул Туроббоев, Жаҳонгир Усмонов, Зикрилла Эрматов сингари тошкентлик отахонларни оилалик. Уларнинг қай бири кўнчилики ортидан эргаштириб, маҳалласини ободонлаштирган, болалар спорт майдончаси қурган бўлса, қолганлари шахсий жамғармаларидан миллион-миллион сўм харжлаб, ташландик ерларда бог ва хиёбон яратди. Андижонлик Умрзоқ Холмирзаев ҳам шу тахит иш тутиб, Қўрғонтепа қишлоғидаги мактабни турли дов-да-рактлар оғушидаги сулим масканга айлантирди. Самарқандлик Иброҳим Раупов вилоятдаги болалар богчалари, ўқув маъсасалари ва шифохоналар учун 15 миллион сўмлик хомийлик маблағи жамғарилшига бошқош бўлди. Ҳузорлик фермер Райрат Пўлатов эллиқ оилага йил бўйи узлуksиз ғамхўрлик қилиш асноси туртта хонадонга сиргари тортиқ этди. Хатирчилик Салом Шойматов кўмактаб ҳамшироқларини моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, мактабни таъмирлаш, кўчаларни асфальтлаш, қабиристонни тартибга келтириш юмушларига 27,5 миллион сўм

Кўнгли очиқнинг — йўли очиқ

тишган. Ва яна «Бирни берганга ўрни беради» дейишган. Бу дедмак, саховатпеша инсон мавриди келганда, ҳимматига яраша раҳмат эшитиб, муносиб рағбат топади. Ундан меҳр-муруват кўрганлар дуосини олиш-дан ташқари эл-улус ва юрт улуглари назарига ҳам тушади. Ана, ишбути: Конституцияимизнинг 14 йиллиги маросимида Президентимиз юқоридан исм-шарифлари келтирилган юртдошларимизнинг халқларварлигини юксак баҳолади. Бундай кишиларни қадрлаш, ҳурматини жойига қўйиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фараз-лигини таъкидлаб, улар давлат ҳисобидан ҳам сафарига юборилишини айтиди. Ўз навбатида, бу қарор бошқаларга ибрат мактаби вазифасини ўтади.

Қарангки, мана шу рағбат ва давлат дийримизда сажийлар сонни кескин ошишига доғлик қилди. Ижтимоий ҳимоя йилида инсонпарварлик рўйи билан йўрилган хомийлик қара-катлари ҳар қачонгидан авж олди. Бу борада, айниқса, фермерларимиз жўмардлик қилишмоқда. Биринчи гал-да кам таъминланган оилалар, пар-

ларига ўнлаб махсус аравача ва эшитиш мосламалари етказиб бериб, 74 нафар ёлғиз фуқаронинг тураржой-ларини таъмирдан чиқардилар. Наврўз кунлари 9 мингдан ортиқ ки-шига 1,2 миллиард сўмлик моддий ёрдам беришди. Қишлоқларда яшовчи серфарзанд, ижтимоий муҳофа-зага муҳтож оилалардан 2303 тасига совға сифатида биттадан қорамол топширишди.

Пахтакор туманидаги «Асл пахта» фермер ҳужайраси раҳбари Муҳаммад Сувонкулов йил бошидан ҳозирга қадар ҳар бирига бир бошдан сиргари туҳфа қилиб, ўн етти оилага қувонч келтирганиди. Келгусида шу зайл яна ўнта хонадонга фойз-баракка кирит-моқчи. Айни чоғда, «Хайр қилсанг, бутун қил», деган ақидига риоя этиб, қорамолли бўлганларга узлуksиз рави-ида ем-хашак етказиб бермоқчи. Нишонлик Зийдулла Фармонов ўзи туғилган Обод қишлоғининг жисми исмига монанд бўлиши йўлида ас-тойдил қайғурди. Аҳоли талаб-эhtiё-жини назарда тутиб, 32 миллион сўмга врачлик пункти бунёд этди. Шофирзонлик фермерлар ҳамжиҳат-


ЖАҲОН 24 соат ичида

Раҳбарликка янги номзод

АҚШ Президенти Жорж Буш Жаҳон банки директорлиги лавозимига Роберт Зелика номзодини таклиф қилмоқчи. Бу ҳақда Оқ уй маъмуриятининг юқори лавозимли вакили билдирди. Роберт Зелика олдин хорижий давлатлар билан савдо-сотик масалаларида музокаралар ўтказиш бўйича АҚШнинг вакили бўлган ва кейинчалик Давлат қотиби ўринбосари лавозимига ишлаган.

Эслатиб ўтамиз, мазкур халқроқ молия муассасасининг амалдаги раҳбари Пол Вуфровиц одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун ўз иктиёри билан истеъфога чиқди.

Полициями ёки жангари?



Сешанба кунни Бағдод марказида Буюк Британиянинг беш нафар фуқароси гаровга олинган. Гувоҳларнинг фикрича, полиция қийимидоғи жангарилар 40 та полиция машинасида

келишиб мамлакат молия вазирлиги биносидан хориқликларни олиб кетишган. Улардан бири молиячи эса унинг қўриқчилари эди. Сўнги пайларда жангарилар полиция қийимида фойдаланиб, қўллаб-қувватлашган гаровга олинган фуқароларни олиш ушбу гаровга олиш ташкилотлари Ироқ ҳукуматига бўйсунмайдиган полиция бўли-маларидан бири эмиш.

«Музлатилган» ҳисоб рақам

Москва солиқ идораси «Интерньюснинг» Россиядаги филиали меросхўри ҳисобланган «Образованные медиа» жамоатчилиқ ташкилотининг банкдаги ҳисоб-рақамини «музлатиб» қўйди. Солиқчилар «Образованные медиа» ўтган чоракда солиқлар тўланганлиги ҳақидаги тегишли зарур ҳужжатларни тақдим этмагандан сўнг шундай қарорга келишган.

Сўровнома натижаси

Тадқиқотларга кўра, Шарқий Европада Буюк Британияга келган муҳо-жирларнинг кўпчилиги умрбод мазкур мамлакатда қолишни истайдилар. Сўровномада Польша, Чехия, Словакия, Россия, Украина, Литва, Руминия ва Болгариядан келган 600



нафар муҳожир иштирок этди.


Ёғсиз сут берувчи ирир



Милки

Махсус генга эга бўлган сир-гилар табиий ёғсиз сут бе-ришади. Янги Зеландиядаги «ViaLactia» биотехнологиялар компанияси мутахассислари бунни аниқлашга муваффақ бўлишди. Айни пайтда мазкур мамлакатда бундай сут берувчи «Маржи» лақабли сирги аниқланган. Одатда сут тарки-бида 3,5 фоиз ёғ бўлади. «Маржи» берадиган сутда эса бор-йўғи 0,1 фоиз ёғ борлиги тахлиллар жараёнида маълум бўлган.

Ҳукумат товон тўлайди



Авиация

Япония Олий суди Америка Ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари шовқинидан азият чекаётган японияликларга ҳукумат 25 миллион доллар миқдорига товон тўлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Айни пайтда Токио атрофида жойлашган Америка Ҳарбий базаси атрофида 6 минг одам яшайди. Ўз навбатида суд аҳолининг эрталаб ва тунда самолётларнинг учиш-қўнишини тақиқлаш талабини рад этди. Ушбу масалада 11 йилдан буён тортишув бўлмоқда.

Қочоқлар лагерига ҳужум



Исроил Ҳарбий авиацияси Газа секторидоғи қочоқлар лагерини бомбардимон қилди.

Мамлакат армияси кўмондонлиги ушбу маълумотни тасдиқлади. Таъкидлаш керакки, сўнги икки ҳафта давомида исроилликлар мунтазам равишда Газа секторига ҳаводан ҳужум қилиб келмоқда. Бу вақт давомида 13 нафар тинч аҳоли қур-бон бўлди.

Жиноий иш тўхтатилди

Новосибирсклик олим Олег Коробейничев устидан қўзғатилган жиноий иш тўхтатилди. Олим давлат сирини ошкор қилганлиқда айбланаётганди. Ҳозирча нима сабабдан иш ёпишгани хусусида маълумот йўқ. Коробейничев оғир ракета ёниги сир турлари ҳақидаги илмий ишланмалар тўғрисидаги ахборотларни АҚШ разведкасига етказган деб гумон қилинаётганди. Таъкидлаш керакки, Коробейничев нафақат Россияда, балки бутун дунёда ҳам таниқли олимлардан бири сана-лади. У 170 дан ортиқ илмий ишлар муаллифидир.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси
«Ўзнефтгазказибчиқариш» акциядорлик компанияси
ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

қуйидаги махсус транспорт воситаларини сотиб олиш юзасидан 03/07-сонли тендер савдосини эълон қилади:

Лот № 1.	25 тонналик автокран	— 1 та
Лот № 2.	«Беларусь» русумли экскаватор-бульдозер	— 1 та
Лот № 3.	Ассенизацион машина	— 1 та
Лот № 4.	Ярим тиркама (полуприцеп)	— 2 та
Лот № 5.	Сув сепиш машинаси	— 1 та
Лот № 6.	Кулчи 22-24 м. бўлган механик қўл (механическая рука)	— 1 та
Лот № 7.	Ён томонидан тўқалиган чиқинди ташувчи машина	— 1 та
Лот № 8.	10 тонналик сув ташувчи автоцистерна	— 1 та
Лот № 9.	20 тонналик автосамосвал	— 2 та
Лот № 10.	Юклагич (погрузчик)	— 1 та
Лот № 11.	Эгарсимон шатак (тыгач)	— 1 та
Лот № 12.	40 тонналик контейнер ташувчи ярим тиркама	— 2 та
Лот № 13.	Автобус	— 1 та
Лот № 14.	Иссиқликни алмаштирувчи аппарат найларни уранин чиқариб олишда ишлатиладиган мослама-асбоб (экстрактор-стемник)	— 1 тўплам

Тендер муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун.
 1-13-лотлар бўйича махсус автотранспорт воситаларини сотиб олиш Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўмда амалга оширилади.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
 Шўртан газ-кимё мажмуаси, 130000, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузур тумани, Шўртан қўргони.

Телефон: (998 75) 780-85-72. Факс: (998 75) 221-09-04, 221-08-46.
 Электрон почта: sgcc@sgcc.uz

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номи ТАИЧБ ДАБ)

«Газсервис» ЕАҲ ва «Сигнал» ЭАБнинг (Россия) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Устандарт» агентлигининг сертификатига эга.
 Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Қўрғазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
 1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпиталь») базори, sanoat моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
 2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесилган жойда (Мўлжал: Шастри хайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ
ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов ўтказиш тартиби ҳақидаги маълумот ва танлов ҳужжатлари тўпلامини қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-«А» уй.
 Телефонлар: 144-97-14, 144-97-66. Факс: 144-22-96.
 Ички телефонлар: 714, 766.

Танлов таклифлари эълон чоп этилгандан бошлаб ҳар кунни (яқшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача 10 кун давомида қабул қилинади.

Ўзбек мумтоз шеърининг йирик намояндаларидан бири, "шоҳлиги шоирлигидан, шоирлиги шоҳлигидан улуг зот" (А. Орипов таъбири) Захриддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг шеърларидан олинган сўзларни бежиз мақоламиз сарлавҳасига чиқармадик. Адабиёт тарихидан маълумки, Бобур бобо сўзга, айниқса, назмий каломга нисбатан ниҳоятда қаттиққўл ва аҳтиёткор бўлганлар. Ва ўзлари ҳам айнан шу қалб интизомига риоя қилганлари боис ул зотдан биз авлодларга ўтгил ва беназир шеърят мерос бўлиб қолди.

Дўстларнинг сўхбатида не ҳуш ўгай баҳси шеър, То билангай ҳар кишининг табиғи бирла ҳолати.

Шоҳ шоиримизнинг сўзга аёвсизлигини, назмий сўзни ерга урадиган шоирларга ундан-да шафқатсизроқ эканини кўрсатувчи тамсиллар "Бобурнома" да ҳам кўп учирайди. Жумладан, Султон Маҳмуд Мирзо ижоди ҳақида шундай деб ёзади: "Таъби назми бор эди, девон таркиб қилиб эди. Вале шеъри бисёр паст ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондин айтмоғон яхшироқдур".

Бошқа бир мисолда Мир Сарбарҳан ҳақида гапираётган экан, ҳазрат янада дарғазаб бўлиб, узил-кесил хулоса чиқаради: "Амир Ҳамза қисса-сининг муболағасида умри зое қилиб узун узок ёлгон қисса боғлабдур: бу амр мухолифи таъб ва ақлдур".

Биз бу ўта жиддий ва қатъий мисолларни нима учун келтирмадик? Гап шундаки, сўз салафлари, назмга умрини, роҳат-фарогатини бағишлаган устозлардан шеърнинг қандай бўлиши, шеър нимадиги, унинг моҳиятини кўрсатиб берувчи кўндал-кўп ибратомуз ҳикमतлар қолган. Уларнинг таърифи, шеър — энг аввало муҳаббат, дард, завқ ҳаржондир. Гап шу шеърни қандай айтишда.

"Халқ сўзи"га ҳар кун, ҳар ҳафта тўхтовсиз оқиб келаётган шеърини номларнинг аксарияти қисми Ватан мавзусида. Тўрт яшар қизалоқлар, ўқувчи ва ўқитувчилар шеър ёзмақдари. Ўқувчи йигитлар, етмишга кирган отахонлар қарилқ гаштини сураётган оқсоқоллар қороз қоралаб шеърлар юбормоқдалар. Албатта, ҳеч кимга "сен ёз ёки сен ёзмагин" деб айтиб бўлмайди, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида, қўлга қалам олибдими, демак бир гап бўлса керак-да, деб кўз югуртирасиз. Қувонарли томони шундаки, кўпгина шеърларда муотазиллигимиз, бутунги қуниимиздан фохр-

«ШЕЪР БАҲСИ, ИШҚ ДАРДИ...»

Таҳририятга келаятган шеърлар хусусида баъзи мулоҳазалар

ланиш, улуг аждодлардан гурурланиш, ҳаёту тирикчилигимиздаги ўзгаришлар, баҳор, табиат ва яна бир қанча долзарб мавзулар қаламга олинади. Бу таҳсинга лойиқ, албатта. Бирок икки оғиз самимий дил сўзига жо бўладиган кўнгул изҳорини узундан узок, зерикари, оддий сўзлардан иборат "шеърый мисралар"га тизиш шартмикан? Баъзи мисолларга мурожаат қилайлик. Фаргона тумани, Янгиобод қишлоғида истикомат қилувчи Қажор Мирзагулат "Ўлкада баҳор" шеърда ёзади:

*Тошкент, Тошкент —
иккинчи онам,
Кўкрагини эдим мен қона,
Лабимдир оқ сунинг ҳар бам,
Оқлай шеърда ўйиб мардона.*

Қувасойлик Шахриёр (Зунун Тожибоев)нинг Ватан ҳақидаги шеърларини юқоридаги парча билан ёнма-ён қўйиб ўқилганда қалбингизда, руҳингизда ҳеч нима ўзгармайди, "шеър" сизга таъсир қилмайди.

*Салом, эй азиз она Ватаним,
Сенга бахшидадир
жон ила таним.*

Муштақиллик байрамининг арафасида
Тилар эдим сенга омад бетиним.

— Мен қувониб яшайман, — дея бошлабди ўз мактубини Андижон вилояти, Марҳамат туманида истикомат қилувчи Сойибжон Собиров. — Она Ватанимга, истиқлолимизга бўлган фохр ва қалбимдаги шуқуҳ менга ҳаммиша илҳом бериб келади. Озод

журналларнинг таҳририятларига келаятган "шеърлар оқими" ҳам, бир томондан кишини мамун этса, иккинчи томондан анча сергақлантириб, хавотирга солиб қўяди.

Ва бугун, имконият бор экан деб, юган-нўхтаси уричи-болалаб кетаётган жўн қўшиқлар қаердан пайдо бўлапти, деган савол ҳам ўз-ўзидан кўндаланг келаверади. Биз одоб-ахлоқ, иззат-ҳурмат, ҳаё-ибони бирин-

*Эдан айри яшаб бўлмайди,
Мен ҳам элинг битта бўласи.*

сингари сатрлари "эл" сўзининг кўп тақроланганини айтмас, самимий чиққан. У кишининг яна "Чўки мен ҳам интиломқадман халқ муҳаммад кенгликлари сари" сатрлари ҳам дилдан айтилган. Марҳаматлик Муҳаммад Қодирнинг "Ўзбек қомуси", хатирчилик Ҳамид Мавлоновнинг "Муштақиллик нашидаси", "Ўзбекистон қарвонлари" шеърлари ҳам худди шундай илқ таассурот қолдиради.

Андижонлик оқсоқол Қоражон Қодиров Бобур бобонинг "Қўрсатмагай" радиолга газалига яхши муҳаммас боғлабдилар. Муҳаммасда "Хус-нини ул моҳтоб, не муддао, кўрсатмагай, Васлига кўп зор қилиб, аҳду вафо кўрсатмагай" сингари равон, соҳталиқдан холи сатрлар бор. Қоражон ота мустабид тузумнинг халқ бошига энг қаро қўнларни солган зулмат пайтлари — 1937 йилда, авжи қатарон вақтида тузилган эканлар. Балки шунинг учун ўзларига "Соҳиб Қаро" деб тахаллус таллага бўлсалар ҳам ажабмас. Отақон қўнлар армон билан қўрқолмай кетган озод Ватанимиз шаънига, бу давру давронларга етишиб, ўзлари хатларига айтганларидай "шўқроналик ила, фаҳру гурурга тўлиб", сихат-саломат шеърый фахриялар битмоқдалар. Шу боисдан кекса кишига ақл ўргатиш одобдан бўлмасда, бу ёруғ замоналарда Қоражон бобога "Соҳиб Зия" тахаллуси кўпроқ ярашишини, нуруний ўшларига ҳам мос келишини, узроҳлик ила айтмоқчи эдик.

Ватан мавзуси, бошқа мавзуларнинг кадр-қимматини пайсатирмаган ҳолда, айтиш мумкинки, шеърятда энг нозик саналади. Муҳаббат сингари Ватан мадҳи ҳам ёлгон ҳиссийетни, юзакиликни кўтармайди. Ҳаётдан завқланиш, тирикликдан баҳраманд бўлиб, иштиёқ ва ишонч билан яшашмоқ гоят олижаноб инсоний фазилатлардир.

Халқ давом этади, тириклик ҳам барча соғинчу изтироблари, дийдор қувончлари, меҳру муҳаббатимиз ила кўркамлашиб бораверади. Демак, шеърятта шайдоликлар, шеър баҳси, дўстлар ва кўнгуллар сўхбати ҳам ҳеч қачон тугамайди.

**Сирожиқдин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.**

ОСИЁ КУБОГИ СОҲИБИНИ КУТАДИ

Футбол оламининг йирик мусобақаларидан бири — Осийё кубоги учун ўйинлар бошланишига ҳам бир ойдан зиёдроқ вақт қолди.



Хозир мусобақада иштирок этувчи жамоалар сўнгги тайёргарлик машғулотларини ўтказишмоқда. Хабарингиз бор, "С" гуруҳида Ўзбекистон терма жамоаси Хитой, Эрон ва Малайзия мамлакатлари футболчилари билан кейинги босқичга чиқиш учун баҳс юритади. Ҳамюртлари-


миз 2 июни Тошкентда Миржалол Қосимовнинг хайрлашув учрашувида келадиган Европа ва Осийё футбол юлдузларидан тuzилган терма жамоага қарши майдонга тушади. Июль ойи бошида эса Жанубий Корея футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказиш кўзда тутилган.

Кўпчиликни, рақибларимиз учрашувга қандай ҳозирлик кўраётганини қизиқтириши табиий. uz.uz сайтдан олинган хабарда айтилишича, Хитой терма жамоаси 2 июни кuni АҚШ футболчиларига қарши ўртоқлик учрашуви ўтказилади. Бундан олти йил аввал ҳам айнан икки жамоа ўзаро дуч келишган, унда америкалик футболчилар 2:1 ҳисобида зафар кўчишганди. Гуруҳдаги иккинчи рақибимиз Малайзия терма жамоаси Австралида "А" лига вакили "Central Coast Mariners" клубига 0:3 ҳисобида ютказди. Улар эртага Сингапур терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказишади. Энг жиддий рақибимиз Эрон футболчилари эса 2 июни кuni сафарда Мексика терма жамоаси билан ўйнайди.

Жорий йилнинг октябрь ойида Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида миллий спортимиз — кураш бўйича VI жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ

Ушбу нуфузли мусобақа олдиндан дунёнинг кўплай мамлакатларида саралаш мусобақалари давом этмоқда. Кунин кеча Мозори Шариф музофотининг Балх қўрғонидан кураш бўйича Афғонистон чемпионати ўтказилди. Унда мамлакатнинг 12 та музофотидан келган 110 нафардан ортиқ курашчилар етти вазн тоифасида гиламга чиқдилар. Соғиндорлар орасидан жаҳон чемпионати иштирокчилари танлаб олинди.



**З.ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" муҳбири.**

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиали

2007 йил 29 июни кuni соат 11.00 да

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг савдолар залида объект бошлангич баҳоси юқорилаб борувчи тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

- Судлар департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган Иштихон туманининг Халқобод қўрғонида жойлашган «Вено-Фуд» МЧЖга тегишли:
 - **томатни дастлабки қайта ишлаш ускунаси, бошлангич баҳоси — 84 000 000 сўм;**
 - **томат ва меваларни қабул қилиб олиш, шарбатини олиш ва дастлабки иситиш участкаси, концентрация участкаси, сигимни стерилизация ва асептик тўлдириш участкаси, бошлангич баҳоси — 579 900 000 сўм.**
- Иштихон туманининг Халқобод қўрғонида жойлашган ХТ «Толлибой Ҳожи АТГ»га қарашли 12 номдан иборат кўчмас мулкларни мажмуаси: шарбат корпуси (147,6 м²), асептик сақлаш омбори (536,8 м²), тара омбори (433,3 м²), моддий-техника омбори (1080,0 м²), дирекция биноси (439,0 м²), томат линиясини ўрнатиш биноси (709,2 м²), қозонхона биноси (456,0 м²), дукон биноси (126,0 м²), ошхона биноси (162,0 м²), меҳмонхона биноси (180,0 м²), автотароzi.
- Жами бошлангич баҳоси — 354 100 000 сўм.
- Иштихон туманининг Мингчинор қўрғонида жойлашган «Митан-Шароб» МЧЖга тегишли бўлган 6 номдаги 99 та кўчар мулкларни мажмуаси: 81 та турли сирланган сийғимлар, 11 та алюмин танк цистерна, 1 та қўйиш линияси, 2 та «Е-1/10» қозони, 3 та узум маҳсулотини дастлабки қайта ишлаш ускунаси, 1 та 160 кВт трансформатори, бошлангич баҳоси — 357 500 000 сўм.
- Самарқанд шаҳри, Спитаменшоҳ кўчаси, Биковская йўлиги, 5-уйда жойлашган «Самарқанд-99» МЧЖга тегишли бўлган омбор биноси:
 - 1985 йилда қурилган, бир қаватли, қурилган майдони — 1940 м², бошлангич баҳоси — 63 600 000 сўм;
 - «Обь» дистанцион комплекси, бошлангич баҳоси — 56 800 000 сўм.

- Шунингдек, 2007 йил 25 июни кuni соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйиладиган объектлар кўйилмоқда:**
- Суд ижрочилари Тайлоқ тумани бўлинимаси томонидан савдога қўйилган Тайлоқ тумани, «Кўрғонча» ҚФЙ, Дўнг қишлоғида жойлашган:
 - «Обдончилик қурилиш сервис» МЧЖга тегишли бўлган бино ва иншоотлар: 1992 йил қурилган маъмурий бино (148,84 м²), қурилиши тугалланмаган бино (60,0 м²), омборхона (34,72 м²), кириш жойи (14,88 м²), насосхона (9,75 м²), омборхона (90,60 м²), омборхона (304,18 м²), омборхона (93,13 м²), айвон (13,34 м²), айвон (82,41 м²), бошлангич баҳоси — 38 072 300 сўм;
 - «ДС-158» русумли асфальт ишлаб чиқариш ускунаси, завод рақами 1091152, т/н, бошлангич баҳоси — 49 288 900 сўм.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган харидорлар Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг х/р 2020800040446401001, МФО 00317, СТИР 206074208 АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд вилояти минтақавий филиалига объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида закалат пулларини тўлашлари лозим.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш аукцион савдосига 1 кун қолганда тўхтатилади.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 3-хона. Телефонлар: 210-11-07, 234-06-38, 241-59-01.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси меҳнат фахрийси Убайдулло Абдуқалилович УСМОНОВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.	«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон театр ижодкорлари уюшмаси, уюшма аъзоси, театршунос Фарҳод Файзиёвга онаси ЖУРАХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Тошкент архитектура-қурилиш институти ректорати ва бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси математика ва табиий фанлар кафедраси лаборатория мудири Карим Исақбаевга онаси	ОМИЛА аянинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Sonata NF
Santa Fe

New Elantra Tucson

Тел.: 215-89-89. Кафолат — 2 йил. Махсулот сертификатланган

www.hyundai-motor.com

Drive your way

<p>Халқ сўзи Народное слово</p> <p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси</p>	<p>Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ</p> <p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Булуртма Г — 456. 33493 нусхада босилиди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.</p> <p>ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.</p>	<p>Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тогаев ва Муҳаммадвали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.</p> <p>Т-Тижорат материал</p>	<p>• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — М. Холматов. Навбатчи — С. Хайдаров. Мусяҳҳид — М. Ёқубова.</p>
<p>«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буёқ Тўр» кўчаси, 41. Ў.А яқини — 23.10</p>	<p>Топширилди — 23.10</p>	<p>2 3 4 5 6</p>	